ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 3 (9.500) 2001 йил 8 январь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

Ахборот ва ижтимоий технологиялар институти

Иқтисодий ҳамжамият ва тараққиёт

Мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви минтақавий ҳамкорликдан бошланади. Зеро, ён-атрофдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш, товарлар, хизматлар, маблағ ва ишчи кучларининг эркин ҳаракатини таъминлаш интеграция жараёнларини тезлаштириб, минтақа халқларининг тўқ-фаровон яшаши учун қулай шароит яратади. Мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг ташкил этилиши минтақа халқларининг туб манфаатларига, ҳаётий эҳтиёжларига мос тушади.

5 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий Ҳамжамиятнинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Олмаота шаҳрига келди. Учрашув Иқтисодий Ҳамжамиятта аъзо давлатлар раҳбарлари – Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмоновларнинг тор доирадаги мулоқоти билан бошланди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати чоғида ўзаро минтақавий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида сўз борди. Хусусан, иқтисод, фан ва техника борасидаги ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар алоҳида эътибор қаратган яна бир масала афғон муаммоси бўлди. Биламизки, Афғонистондаги нотинч вазият бутун Марказий Осиё минтақаси тинчлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри хавф солади. Бу хавф минтақанинг иқтисодий-сиёсий ривожига, бинобарин ялпи тараққиётига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Куннинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти Давлатлараро Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Мажлисда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолияти ҳамда банкнинг аудиторлик текшируви якунлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилди. Шунингдек, мажлисда 1994 йил июль ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон ўртасида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини (МОҲТ) таъсис этиш тўғрисида тузилган битимга ўзгартиришлар киритишга оид масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё Республикалари Иқтисодий Ҳамжамиятининг Форумини чақириш ҳақида таклиф киритди.

Ушбу таклиф анжуман қатнашчилари томонидан якдиллик билан маъқулланди. Бу ташаббус Ҳамжамиятнинг 2002 йилга қадар ўзаро ягона иқтисодий макон яратиш бўйича дастурига тўла мосдир.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон Ҳамжамият доирасида турли сиёсий ёхуд бошқа замзамалардан холи, ҳақиқий иқтисодий ҳамкорликни шакллантириш ва ривожлантиришни ўзига бош мақсад қилиб қўйган. Айни ҳамкорликнинг ибтидосидаёқ бу масала аниқ-тиниқ белгиланган эди.

1993 йилда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1994-2000 йиллар давомида ўзаро иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича битим имзоланиши ушбу йўлдаги илк қадам бўлди. 1994 йилда эса бу икки давлат Ягона иқтисодий макон яратишга келишди ва бу борада битим имзоланди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Қирғизистон ҳам ушбу битимга қўшилди. Бошқача айтганда, Ягона иқтисодий макон яратиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосига айланди. Шу боис 1998 йил Тожикистон ҳам ушбу ҳужжатни имзолади. Айнан шу йили Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур тузилмага Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти, деб ном берилди.

Олмаота саммитида Қирғизистоннинг Халқаро тоғлар йилини ўтказиш тўғрисидаги таклифи ҳам иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мажлис ниҳоясида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятини Марказий Осиё Форумига айлантириш таклифи тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида 1994 йил имзоланган МОҲТ банкини яратиш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш бўйича протокол, шунингдек Бишкекда МОҲТ банки шохобчасини очиш ҳамда Ҳамжамият Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

М. РАҲМОНОВ (ЎзА).



Метронинг янги «Юнусобод» йўналишидаги «Юнус Ражабий» бекати ўзига хос шарқона усулда қуриб битказилмоқда. СУРАТДА: тажрибали метро қурувчиларидан Холмурод Эшматов ҳамда Рафаэль Бигантоевлар иш юзасидан ўзаро маслаҳатлашмоқда. *Рустам Шарипов олган сурат.*

САНОАТ

Жилоси кўзни қамаштиради

Шаҳримиздаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти чеварлари ҳам Янги йил — Янги асрга меҳнат муваффақиятлари билан қадам қўйдилар.

Буюртмалар аъло даражада бажарилиши билан бирга маҳсулот турлари 50 хилга етди. Албатта, бу корхона мутахассисларининг изланишлари, интилишлари самараси бўлди.

— Жамоамизда асосан хотин-қизлар меҳнат қиладилар, — дейди бош муҳандис Кимёхон Қаюмова. — Ўтган йилда режадаги 38 миллион сўмлик ўрнига 50 миллион сўмликдан ортиқ сифатли маҳсулот тайёрлаганимиз қувонарли ҳолдир. Бу, албатта жамоамиз аҳлининг баракали меҳнати эвазига бўлди. Миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизни тиклашда чеварларимизнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Айниқса, республикамиз мустақиллиги йилларида биз кенг имкониятларга эга бўлдик, момоларимиздан қолган қадимий удумларимизни қайта жонлантирдик. Якунланган йилда бухороча зардўз усулида 10-15 хил маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлдик. Попоп цехининг чеварлари тиккан тўй болалар ва куёвлар чопонлари, келинлар учун шарқона либослар, рўзғор учун зарур бўлган чойнак ёпқичу нина қадагичлар, турли сумкалар харидорлар эътиборини қозонди. Ўсиш суръатимиз эса ўтган йилгига нисбатан 149 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда аёлларга, келажагимиз камолли бўлган фарзандларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ушбу жамиятда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ҳам яхши ишларга, эзгу ниятларга ундади. Шу боис бўлса керак улар янги асрнинг биринчи — Оналар ва болалар йилини кўтаринки кайфият билан бошладилар. Жамоанинг ютуқларига муносиб улуш қўшаётган Марҳамат Пўлатова, Маъсуда Исмоилова, Шоира Зокирова, Малоҳат Рашидова сингари илғорлари бор маҳоратларини ишга солиш билан бирга, ёш тикувчию попончиларга ҳунар сирларини қунт билан ўргатишмоқда. Зеро, улар ҳамжиҳатлик ҳамиша барака келтиришини дилдан ҳис этадилар.

Дилдора ҒАФУРОВА.

ИҚТИСОДИЁТ



Аҳдига вафодорлар

– Эртага ишимиз унадиган бўлди. Юзта эмас, бир юз элликта арматура ишлаб чиқарамиз, – дея ичичидан қувонди «Иргидромаш» заводининг цех бошлиғи Расих Гафиятуллин. – Муҳими, ҳамкасбларим олдида юзим ёруғ бўладиган бўлди.

Ҳа, ушбу заводда Гафиятуллиндек ўз касбига меҳр қўйган, фидойи ва уста билимдон мутахассислар кўплаб топилади. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли завод маъмурияти барча йўналишларда ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ қилган ҳолда кўпгина муаммоларни, ғов ва тўсиқларни енгиб режаларни ошиғи билан ўз вақтида адо этиб келмоқда.

Мазкур корхона Бектемир тумани Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, 1979 йилдан бошлаб фаолият юритиб келмоқда. Унда асосан республикамиз бўйича ирригация ва мелиорация соҳасида, яъни қўриқ ерларга сув чиқариш ва суғоришга зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Масалан, пўлат ва чўяндан ишланган лукидонлар, дискли чўян тамба, гардиш ва шохобчалар, чўян қопқоқлар, чиқинди сув йўллари туйнуги қопқоқлари шулар жумласидандир. Шунингдек, кислород тўлдириш ва қуюв цехлари ҳам мавжуд. Айни пайтда корхонада 500 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилишади. Шулардан 130 нафари аёллардир.

– Ишчиларимизнинг ҳуқуқий онги оширилса, шундагина уларнинг ишда эркинлик ва ишчанлик туйғуси шаклланади. Чунки бунинг ортида оиланинг келажагига зарур шароит яратиш масаласи туради, – дейди заводнинг бош директори Бахтиёр Назаров. – Бугунги кунда чиқарилаётган маҳсулотлар асосан буюртма асосида тайёрланиб, республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларига юборилади. Корхона сўнгги йилларда экскаваторлар учун эҳтиёт қисмлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйиб, бу маҳсулотларни Урганч экскаватор заводига ҳамда бошқа вилоятларга буюртмага асосан етказиб беради. Насиб этса янги минг йилликда Россиянинг Ковровец шаҳри билан қўшма корхона очишни режалаштирганмиз, яъни бу ерда экскаваторлар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдамиз. Мақсадимиз маҳсулотларимизнинг сифатини янада яхшилаб, унинг турларини кўпайтиришдир.

– Ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб бораётган ишларимиз натижасида уларнинг яшаш тарзи тобора яхшиланиб бормоқда, – дейди завод касаба уюшмалари қўмитаси раиси Зиёд Ҳакимов. – Шунингдек, уларнинг шартнома асосида олий ва ўрта ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларига ўқув масканларига пул ўтказилади. Бу эса турган гапки ишчиларимиз учун жуда қулай.

Бир гуруҳ ишчилар билан суҳбатлашганимизда бу ерда уларга яратилаётган, юқорида таъкидланган шароитлардан мамнунликларини изҳор этишди.

– Илк бор бу ерга келганимда, аввал уй-жой билан таъминлашди, – деди тажрибали ишчилардан бири Тўлқин Кўчимов. – Бу ернинг шароитлари билан танишганимдан кейин ўзимнинг келажагимни завод билан боғладим. Чунки, барча қулайликлар билан бирга, бу жойдаги соғлом муҳит ҳам мени ўзига тортди. Ўз касбимни жуда яхши кўраман. Янги минг йилликда ишларимиз янада ривож топишини истаб қоламан.

Очил ҲАЗРАТОВ, Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Расих Гафиятуллин моҳир чилангар Юрий Окуневга янги топшириқлар бермоқда; 18 йиллик иш тажрибасига эга бўлган чилангар Рашид Юсупов иш устида.

СОҒ ТАНДА – СОҒЛОМ ФИКР

Талабалар куч синашишди

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига катта эътибор бериш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Тошкент шаҳар қўмитасида меҳнаткашлар ва айниқса ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам равишда шуғулланишларига катта аҳамият берилмоқда.

Яқинда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг спорт мажмуасида тармоқ касаба уюшма тасарруфидаги ушбу олий ўқув юрти ва бешта коллежлар ўртасида спартакиадининг финал босқичи бўлиб ўтди. Спортнинг мини-футбол, баскетбол, шахмат, шашка, стол тенниси, бухороча ва фарғонача кураш турлари бўйича қизиқарли, кескин баҳсларда йигитлар ва қизлар бор маҳоратларини намойиш этиб, мухлисларини хушнуд этдилар.

Мини-футбол, шахмат, шашка бўйича агротижорат коллежи йигитлари ғолиб чиққан бўлса, баскетбол баҳсларида, стол тенниси бўйича йигитлар ва қизлар ўртасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти жамоаси зафар қучди.

Қизлар ўртасида шахмат ва шашка мусобақаларида Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежининг жамоаси бор истеъдодини намойиш этиб, ғолиблик шоҳсупасидан ўрин эгаллади.

Курашнинг бухороча усулидаги беллашувлар ғоят қизиқарли тус олиб, Гаппаров, Аъзамов, Ж. Ҳамраев, Б. Ваҳобов, И. Муҳаммадиевлар ўз вазнлари бўйича ғалаба қозондилар. И. Муҳаммадиев мусобақанинг мутлақ ғолиби деб топилди. Фарғонача кураш бўйича шиддатли баҳслар ҳам барчанинг қизиқишига сабаб бўлиб, И. Тошбоев, А. Қурбонов, З. Исҳоқов, А. Файзиев, Б. Қурбонов, У. Назаровлар энг кучли эканликларини намойиш этиб, ғолиб чиқдилар.

Лекин мусобақада энг муҳими, ғалаба қозонишгина эмас, фаол қатнашиш, дўстлар орттириш ва спортнинг оммавийлашиб боришидир. Ўйлаймизки, спартакиададан кутилган ана шу мақсадга эришилди.

Умидбек ПЎЛАТОВ.

XXI аср Садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда



● Олий Мажлис Қўмитаси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик бўйича экспертлар гуруҳи аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси дастлабки муҳокамадан ўтказилди.

Олий Мажлис Қўмитаси ҳузуридаги фаолият кўрсатаётган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунчилик бўйича экспертлар гуруҳи йиғилишида эса «XXI аср маҳалласи» концепцияси лойиҳаси кўриб чиқилди.

● Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш якунлари ва уни 2001 йилда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ҳамда хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

● «Соғлом авлод» Давлат дастурини амалга оширишнинг дастлабки якунларига бағишлаб Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда 7,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги дори-дармонлар, 2000 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги линияси бўйича сотиб олиниб, мамлакатимиз аҳолисига тақдим этилганлиги қайд этилди. «Соғлом авлод учун» жамғарма линияси бўйича республикага 13 миллион АҚШ доллари қимматига тенг дори-дармонлар, тиббиёт асбоблари ва бошқа мурувват ёрдами келтирилди.

● «Ибратли маҳалла» вилоят кўрик-танловида Навоий туманидаги Дўрмон фуқаролар йиғинига қарашли «Азамат» маҳалласи ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди.

● Наманганда вилоят халқ таълими хизматчиларини аттестациядан ўтказиш масаласи юзасидан амалий семинар бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятининг ўлкашунослик музейида улуғ ўзбек миниатюрачиси Камолиддин Беҳзод ижодига бағишланган бадиий кўргазма очилди.

● Тоқкентдаги радиотехника, электроника ва автоматика касб коллежида ўқув лаборатория мебеллари, академик лицей ва касб коллежларини кўргазмали ўқув қўлланмалари билан жиҳозлаш бўйича республика семинар-кўргазмаси ташкил этилди.

● Сурхондарё вилоятида йирик майдонларда анорзорлар бунёд этишга киришилди.

● Қашқадарё вилоят хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги хайрия тадбири ўтказилди. Тадбирда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ёрдамга муҳтож оилаларга совғалар улашилди. «Олтин мерос» халқаро жамғармасининг вилоят ва Қарши шаҳар бўлимлари тадбирнинг бош ҳомийси бўлди.

● Самарқанддаги «Самкочавто» қўшма корхонасида чиқаётган замонавий микроавтобуслардан яна 40 таси шаҳардаги тўртта йўналиш бўйича ҳаракатлана бошлади.

● Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг «Майита» қишлоғида янги шифохона маскани фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

● **Кеча** Германия канцлери Г. Шрёдер Москвага ўзининг норасмий икки кунлик ташрифини якунлади.

● **Кеча** Бишкекка Хитой Халқ озодлик армиясининг икки самолёти келиб қўнди. Унда Қирғизистон ҳарбийлари учун кийим-кечаклар ва турли-туман буюмлар келтирилди.

● **Кеча** Москва шаҳар суди «Медиа-мост» холдинги раҳбари Владимир Гусинский иши бўйича Тверь суди қарорини бекор қилди. Гап шундаки 26 декабрь куни унга нисбатан қўзғатилган иш ноқонуний деб топилди.

● Исроил бош вазири Ёҳуд Баракнинг қўриқчилик хизмати шу кеча-кундузда вазият оғирлашганини очиқ эътироф этмоқда. Уларнинг айтишича, Баракнинг фаластинликлар билан тинчлик музокаралари тузишга ҳаракат қилаётгани мамлакатнинг миллатпарастлик руҳидаги ўнг кучларини қасос ўтида ёндира бошлаган.

● **Кеча** Филиппиннинг жануби-шарқий қисмида 5,6 куч билан ер силкиниши кузатилди. Жабрланган ва вайронагарчиликлар ҳақида хабар берилмаган.

● **Кеча** Фаластин раҳбари Ё. Арофат ташриф билан Иорданияга келди. У бу ерда қирол Абдуллоҳ билан учрашади.

● Англия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоботига қараганда Манчестер районидаги Ҳайт шаҳарчасида узоқ йиллар тажриба ўтказган доктор Гарольд Шимпан 250 нафар мижознинг жонига қасддан зомин бўлган. У оилавий врач сифатида асосан кекса пенсионерлар ва фабрикаларнинг собиқ ишчиларига хизмат кўрсатган. Ортиқча дозадаги диаморфон эса ҳар сафар мижозларга «осон ўлим»ни ҳадя қилаверди.

● **Эртага** Европа, Африка ва Осиё аҳолиси уч мингинчи йилликдаги биринчи ой тутилишининг гуноҳи бўлишади.

● Эрон парламенти мамлакат аҳолисининг чет элга чиқиб ўқишига рухсат этилиши тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди.

● Канадада муздан қурилган ажойиб меҳмонхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Меҳмонхона эгаларининг айтишларича ҳозирги кунгача АҚШлик 100 дан ортиқ сайёҳ у ерда тунашга хоҳиш билдирган. 4,5 тонна қор ва 250 тонна муздан қурилган меҳмонхона уч ой, яъни қор эригунча фаолият кўрсатади.

● Шаболовка 37 да жойлашган «Россия» телекомпанияси офисини ўғри урди. «МК-Новости» ходимларига Жанубий ҳудуд ИИБ вакилларининг берган маълумотларига кўра, тезкор қидирув ишлари натижасида жиноятчи ҳибсга олинган.

Уйингизни таъмирламоқчисиз — албатта, хонадонингизнинг янада гўзал ва шинам бўлиши учун сифатли, хорижда тайёрланган бўёқ қидирасиз. Бугунги кунда ана шундай сифатли ва рақобатбардош бўёқлар пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошкент лок-бўёқ заводи» ҳиссадорлик жамиятида ҳам ишлаб чиқарилаётганлиги барчамиз учун қувонарлидир.

Янги марраларни кўзлаб

Корхона маҳсулотларининг сифати ва турлари тобора ортиб бормоқда. Бунга замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чет эллик шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш туфайли эришилмоқда. Жамоанинг 1000 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилари ўтган йилни муваффақиятли якунлаб, янги асрни қутлуғ режалар билан бошладилар. Ўтган йили корхонада «OXIDE» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси иш бошлади ва бу ерда ишлаб чиқарилган лок-бўёқ маҳсулотларига хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда. Корхонанинг Омск ва Москва шаҳрида савдо уйлари фаолият кўрсатмоқда. Корхонада бозор конъюктурасини ўрганишга эътибор қаратилган. Бу эса харидор талаб ва эҳтиёжини ўзлаштиришда қўл келмоқда. Шунингдек харидорлар талабидан келиб чиқиб, корхонанинг Фарғона водийсида шўъба корхонаси ишламоқда, барча вилоятларда фирма дўконлари очилган.

Кейинги йилларда корхонада ранг-баранг лок-бўёқ ва эмаллардан ташқари олиф ва пергаментлар тайёрланмоқда. Келгуси режаларда эса йўллар учун бўёқлар, электризоляция, мебель ва паркетлар учун лаклар, автомобилларнинг ички қисмлари учун лок-бўёқлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йилда 9 миллиард 400 миллион сўмлик фойда олинган бўлса, 2001 йилда ушбу рақамни 10 миллиард 800 миллион сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, корхона тадбиркорлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ўтказилаётган кўргазмаларда ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, муваффақият қозонишмоқда. Бугунда уларнинг асосий мақсадлари кўплаб хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишдир.

Щарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТДА: корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар.

САНОАТ

ЛАЗЕРЛИ КЕСИШ ДАСТГОҲИ

Машина ва агрегатларни ишлаб чиқаришда механик жараёнлар ҳал қилувчи ўрин тутиши машинасозларга яхши маълум. Тошкент тракторларининг юзага келишида эса техник ходимларнинг иштироки ва хизмати катта бўлмоқда.

«Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамиятининг технологик шўъбаси муҳандислари техник изланишлари корхонага қайта иқтисодий самаралар келтирмоқда.

— Агрегатларни тайёрлаш жараёнида бизда ишлов берилаётган деталлар кўплаб ишлатилади, — дейди шўъба раҳбари Алла Ким. — Шу билан бирга мураккаб деталларга ишлов бериш бизга ишониб топширилган. Бунинг учун энг замонавий дастгоҳлар ишга солинмоқда. Лазерли кесиш дастгоҳидан ҳам унумли фойдаланмоқдамиз. Бу хил қурилма бир нечта қолиплаш дастгоҳларининг ўрнини бемалол боса олади.

Эндиликда эса худди шу усулда куч бериш қурилмасини тайёрлашга ҳам киришилди. Бунда биринчи даражали технолог Ҳуснора Нўъмонова, етакчи мутахассис Надежда Красникова каби ўз касбининг моҳир усталарининг бой иш тажрибалари қўл келмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Тоза ҳаво — саломатлик гарови

Инсон саломатлиги бевосита экология билан боғлиқлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик ҳар хил касалликларга шароит яратилиши изоҳ талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Статистик маълумотларга кўра эндиликда яна бир ҳақиқатдан воқиф бўлмоғимиз лозим — шаҳар миқёсида табиатга автотранспорт воситаларидан чиқадиган газлар кўп зиён етказар экан. Шаҳар депутатлари ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари билан ўтган йил давомида ўтказилган тадбирлар бу хулосаларни тасдиқлаб турибди.

Аввал хабар берганимиздек, ўтган йил ичида шаҳар Кенгашининг коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни ҳимоялаш масалалари бўйича доимий комиссияси «Тоза ҳаво» тадбирини ташкиллаштириб, жойларда — автокорхоналар, техник хизмат кўрсатиш станциялари, бевосита катта кўчаларда мутасадди ташкилотлар билан текширувлар ўтказди. Мазкур комиссиянинг куни кеча ўтказилган йиғилишида «Тоза ҳаво» операциясига якун ясалиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Депутат Абдужамил Содиқов фикрича бугунги кунда транспорт воситаларининг чиқиндилари туфайли ҳаво ва сув ресурсларининг ифлосланиши юқори даражада бўлиб, ўз навбатида бундай вазият табиатнинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатмоқда.

Текширувларда аниқланишича, афсуски, аксарият автотранспорт корхона ва ташкилотлари раҳбарлари ҳали ҳам жойларда экологик тадбирларнинг мунтазам ўтказилишига беписанд қарамоқда. Кўп автокорхоналарда ишлаб чиқариш тизими шакллантирилмаган, муҳандислик-экологик хизматларнинг фаолияти назоратдан четда қолмоқда, заҳарли газ кўрсаткичлари юқори бўлган автомобилларни йўлга чиқариш ҳоллари мавжуд, айрим хўжаликларда эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар умуман амалга оширилмаслиги аниқланди.

Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекциясининг автохўжаликларда мунтазам ўтказаётган услубий ёрдам ва тавсияларига қарамасдан мутасадди раҳбарлар мазкур йўналишдаги тадбирларни кундалик вазифа деб эмас, балки мавсумий, йилда бир-икки маротаба ўтказишни белгилаб қўйганлар, яъни айнан шундай масъулиятсизлик оқибатида атроф-муҳитнинг зарарли моддалар билан ифлосланишининг 70 фоизи транспорт воситаларига тўғри келмоқда.

Жумладан, автомобилларнинг носоз ҳолатда йўлга чиқарилиши «Сарбон» акционерлик жамиятида, 143-автокорхонада, «АВЭК моторс», «18-автобус саройи», «7-автокорхона», «Чуқурсойавтокорхона» акционерлик жамиятларида ҳамда 9, 2505, 2515, 4-автохизмат корхоналарида аниқланди. 145, 9, 10, 1, 12-автокорхона, «Қурилиштранс», «ГУЗ» ҳиссадорлик жамиятларининг газ ва туташ ўлчов асбоблари давлат стандарт органлари томонидан қайд этилмасдан жорий қилинган. 18, 7-автобус саройлари, 9, 10, 1-автокомбинатлар, 6-механизация бошқармаси ҳудудларида нефть маҳсулотларининг тўкилиши сув ости ҳавзаларини ва ерни зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келган. Мазкур корхоналарнинг айримларида оқава сувлар чиқариш бўйича коммунал-экологик меъёрий лойиҳалар тузилмаган, сув ҳавзаларидан фойдаланиш масалаларида ҳам камчиликлар мавжуд.

«Тоза ҳаво» операцияси борасида шаҳарда автомобилларни газ ёнилғисига ўтказиш тадбирлари қониқарсизлиги, айрим ёнилғи билан таъминлаш шохобчаларида бензин сифати талабга жавоб бермаслиги, сотилаётган маҳсулотнинг устидан назорат умуман олиб борилмаслиги, нефть инспекцияларининг табиатни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги сустлиги, амалда диагностика постларининг жойларда жорий этилмаганлиги, йўлларнинг ҳолатини назорат қилиш, уларни вақтида таъмирлаш масалалари ҳал этилмаётгани аниқланди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари текширув натижалари билан танишиб, пойтахтнинг экологик ҳолатини яхшилаш борасида жойларда амалий ишларни жонлантириш, автохўжаликлар раҳбарлари ўз масъулиятларини оширишлари лозимлиги ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш билан бирга улар мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни кучайтириш масалаларининг ижобий ҳал этилишида шахсий жавобгарлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди ва тегишли қарорлар қабул қилишди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

Янги йил арафасида Юнусобод бозорида бўлдик. Савдо-сотиқ чаққон. Байрам дастурхонини безаш мақсадида раста оралаб юрган ҳамшаҳарларимизнинг сон-саноғи йўқ. Одатда бундай кезларда маҳсулотлар нархи бироз кўтарилади. Лекин катта харажатни ҳар кимнинг ҳам ҳамёни кўтаравермайди. Шундайлар бироз қийишади, сотувчилар билан тортишади, арзонроқ маҳсулот излашади. Очиғи, улар учун ҳам бозор маъмурияти ўзига хос шароит яратган.

ҚИШЛОҚ – ШАҲАРГА

Деҳқон бобога раҳмат!

Бозорнинг шарқий қисмида жойлашган каттагина майдонга юк машиналари бирин-кетин кириб чиқиб турибди. Улар шаҳар атрофида жойлашган хўжаликлардан турли хил маҳсулотларни келтиришган. Нархлари ҳам бозорникидан анча арзон. Масалан, олманинг ўртача бозор нархи 150-200 сўм, бу ерда эса 80 сўм. Сифатида бироз фарқ бўлсада, лекин қўлникидан қолишмайди. Узумнинг нархи бозорда 300-400 сўм, машинада сотилаётгани 150 сўм. Хуллас, ҳамма маҳсулотлар деярли тенг ярмига арзон. Харидорларга бу қадар қулайлик яратаётган бу машиналардаги маҳсулотлар қайси хўжаликдан келтирилганлиги билан қизиқдик.

— Ҳамшаҳарларимиз оғирини енгил қилаётган, бозор нарх-навосини мўътадиллаштириб турган бу маҳсулотларнинг кўпчилиги туманимиз билан ёнма-ён жойлашган Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалигига қарашли, — дейди бизга Юнусобод бозори ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Раҳимжон Пўлатов. — Биз ҳар йили улар билан шартнома тузамиз. Шу келишувга асосан хўжалик йил 12 ой бозоримизни турли хил мавсумий маҳсулотлар билан таъминлаб туради.

Эртасига «Олой» бозорида бўлганимизда ҳам шундай ҳолга дуч келдик. Бозор мутасаддиларининг айтишларича, улар ҳам юқоридаги ширкат хўжалиги билан шартнома тузишган экан. Шунга кўра хўжалик ушбу бозорга ҳам ўз маҳсулотларини тез-тез келтириб тураркан.

Харидорлар билан суҳбатлашганимизда улар бу олийҳиммат хўжалик хизматидан мамнун эканликларини билдиришди. Шундан кейин бизда ушбу жамоада бўлиб унинг иши билан яқиндан танишиш истаги туғилди. Чиндан ҳам ҳамшаҳарларимиз дастурхони тўкин бўлишида ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётган бундай хўжаликлар ҳақида ёзилса, улардан бошқалар ҳам ибрат олса нур устига нур бўларди, деган мақсадда юқоридаги жамоага йўл олдик.

«Уч қаҳрамон» пости орқали ҳалқа йўл бўйлаб чап томонга бироз юрилса, кўзингиз йўл ёқасида жойлашган икки ҳашаматли бинога тушади. Олди томони гулзор, қолган уч томони эса мевазор боғлар билан ўралган бу бинолардан бири икки қаватли бўлиб, у хўжалик идораси ҳисобланади. Иккинчиси эса маданият саройи, у шаҳардаги манаман деган санъат кошоналаридан қолишмайди. Хўжаликка узоқ йиллар мобайнида Ғуломмаҳмуд ака Абдуллаев (марҳум) бошчилик қилиб келган. Ўша даврда қолоқ бўлган жамоа илғорликка юз тутди. Номдор, донгдор бўлди. Тошкент вилоятининг пешқадам хўжалигига айланди. Ўшандан бери у илғорлар сафида келади. Хўжалик бошқарувига раис бўлганлар унинг маркасини туширмасликка астойдил ҳаракат қилишади. Эндиликда ўзининг биринчи раиси номи билан аталувчи бу жамоага ёш, иқтидорли мутахассис Илҳом Маҳкамов раҳбарлик қилмоқда.

— Мустақиллик барча қатори бизга ҳам кенг имкониятлар берди. Янгича ишлашга, янгича фикрлашга ўргатди, — дейди Илҳом Маҳкамов. — Очиғи, жамоага раис этиб сайланганимда тажрибасизлик қиламанми деб қўрқиб юрдим. Кейинчалик бор ғайрат билан ишга киришиб кетдим. Менга кексалар, меҳнатда суяги қотган тажрибали деҳқонлар ёрдам беришди. Билмаганимни улардан ўргандим. Қолаверса, туманимиздаги илғор хўжаликларнинг раислари тажрибалари асқотди. Хуллас, хўжалик шуҳратини қўлдан бермаслик учун имкон қадар меҳнат қилдим. Албатта қишлоқ ҳаётига сингиб кетиш, ҳамма билан бирдек тил топишнинг ўзи бўлмади. Келинг яхшиси, минг бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал деган нақлга амал қилиб сизларни бир дала айлантирай. Пайчиларимиз билан суҳбатлашасизлар, ютуқ ва камчиликларимизни ўз кўзларингиз билан кўрасизлар.

Шу ўринда дастлаб уч-тўрт рақамларни санаб ўтишни лозим топдик. Чунки хўжаликнинг бугунги кунини ва унинг аъзоларининг турмуш шароитини бироз бўлса-да кўз олдимизга келтириш учун бу рақамлар маълум даражада ўрин тутади. Хўжаликнинг бу йилги даромади 152 миллион сўмни ташкил этади. Бу ҳар бир аъзо учун йиллик ўртача даромад 350 минг сўмданга тўғри келади, демакдир. Жамоа аъзолари асосан сабзавот, чорвачилик ва ғаллачилик билан шуғулланишади. Ўтган йил 140 гектар майдондаги ғалладан 41 центнердан, 35 гектар ердаги картошкадан 145 центнердан, 176 гектар сабзавотдан 327 центнердан ҳосил олинди. 1200 та аъзоси бўлган хўжаликда 700 оила истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири табиий газ, тоза ичимлик суви, электр билан тўла таъминланган. 50 фоиздан ортиқ хонадон телефонлаштирилган.

Машина кабинасига ўтиришимиз билан Илҳом ака ҳайдовчига деди:

— Комбинатга ҳайда, — йўл-йўлакай тушунтириш берди раис, — мева-сабзавотни қайта ишлаш комбинатимиз бор. Қаршилик бўлмаса танишувни ана шу ердан бошласак.

Комбинат деганлари алоҳида йирик корхонани эслатади. Замонавий техника ва линиялар билан жиҳозланган бу мажмуани шаҳардаги энг йирик шу соҳа корхоналаридан фарқлаб бўлмайди. Бу ерда 12-13 хил маҳсулот тайёрланар экан. Улар турли хил шарбатлар, қуритилган мевалар, кондитер маҳсулотлари. Шаҳримиздаги турли ташкилотлар билан шартнома боғлаган хўжалик ўз маҳсулотларини улар орқали ҳамшаҳарларимизга тортиқ этади. Биргина «Наврўз» номи билан чиқадиган маъданли сувдан бир кунда 8-10 минг шиша тайёрланишини айтадиган бўлсак комбинат хўжаликка қанча фойда келтираётганини тахминлашимиз мумкин бўлади. 48 киши меҳнат қилаётган бу жамоани ўз касбининг мутахассиси Абдулазиз Мажидов бошқаради.

Комбинатдан чиқиб тўғри йўл бўйлаб бироз юрилгач, кўм-кўк тобланиб турган майдонга рўбару келдик. Бу ғалла майдони. Бу йил хўжалик 140 гектар ерда буғдой етиштиряпти. Ерга сепилган дон тўлиқ униб чиққан. Бўлажак ҳосилнинг чўғи чакки кўринмайди. Ўтган йили ҳосилдорлик гектарига 41 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда ундан баландроқ марра кўзланмоқда. Ўтган йили хўжалик ғаллакорлари катта даромад кўришди. Нуриниса Хожиева ва Дилбар Шамсиддинова сингари илғорларнинг йиллик даромади 500 минг сўмни ташкил этди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ўтган йилдан бошлаб ширкат хўжалиги асосида иш юритиб келяпмиз, — дейди бошқарув раиси сўзини давом эттириб. — Биласизми, ўз мулкий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имкониятига эга мулкдорлар шакланмас экан, уларнинг онгида мулкка ва етиштирилган маҳсулотларга мустақил эгалик қилиш ҳисси уйғонмайди. Ислоҳотларни ўтказишда кескин бурилиш ясаш анча қийин кечди. Чунки мулкдорлар ўз мулклари асосида кичик ва қўшма корхоналар ташкил этиб, мулкни ва сифатли маҳсулотларни кўпайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни илғор тажриба ва технологиялар асосида ташкил этиш, бошқарувга малакали мутахассис ва менежерларни жалб қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаб, таннархини пасайтиришдан манфаатдор эканликларини тўла тушуниб етишлари учун маълум муддат керак эди.

— Айтганларингиздан кўриниб турибдики, ширкат хўжалиги мулкий пай ва оилавий пудрат асосида иш юритадиган хўжалик шакли. Агар таъбир жоиз бўлса бу усул қишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтириш, ижтимоий адолат асосида ер ва мулкларнинг ҳақиқий эгаларини шакллантириш борасидаги муҳим қадам деб атамоқ жоиз кўринади.

— Жуда тўғри. Яна ҳам тўғрироғи, хўжалик маъмурияти билан унинг аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатларини акс эттирувчи ички ишлаб чиқариш бўғинларида меҳнатни ташкил қилишнинг асосий шаклидир.

— Янгича усул ишга янгича ёндашишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда табиийки хўжаликда кичик ва қўшма корхоналар ташкил этиш уни ривожлантириш, шунингдек ишлаб топилган даромадни ошириш имконини беради. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Хўжалигимизда бундай корхоналарнинг сони анча-мунча. Бу ҳақда гап борганда тошга сайқал берувчи эрон-ўзбек қўшма корхонаси, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлайдиган корхона, иккита шлакоблок цехи, енгил автомобилларга хизмат кўрсатадиган шохобча, мева ва сабзавотни қайта ишлаш корхонаси ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Бундан ташқари хўжалигимизда иккита мактаб, учта болалар боғчаси, 580 ўринли маданият саройи, кутубхона, иккита гузар, учта оталар чойхонаси, ҳаммом, дорихона, поликлиника, нон ёпиш цехи ва сартарошхона ишлаб турибди.

Машинамиз поёни қир билан туташиб кетган кенг хушманзара сайҳонлик бағрида тўхтади. Раис бизни йўл билан туташ мармар зиналардан юқорига бошлади. Баландликка кўтарилгач кўз олдимизда ажойиб бир манзара яна ҳам тўғрироғи жаннатмакон боғ пайдо бўлди. Бу ер Хотира майдони экан. Ушбу маскан ўтган йили барпо этилибди. Рўпарада қад ростлаб турган Мотамсаро она ҳайкалини кўриб, кўз қувнайди. Очиғи бундай маҳобатли мажмуани ўз кучи билан бунёд этиш унча-мунча жамоанинг қўлидан келадиган иш эмас. Мажмуага туташ икки гектарлик майдон боғ-роғга айлантирилган.

— Келажакда бу ерда дам олиш зонасини бунёд этиш ниятимиз бор, ҳозирда ҳам кечки пайтлари сайилгоҳимиз анча гавжумлашиб қолди. Нафақат хўжалигимиз аъзолари балки яқин орада жойлашган қўшни қишлоқлардан ҳам одамлар келиб, бу ерда ҳордиқ чиқаришга ўрганиб қолишди, — дейди бизга Илҳом Маҳкамов.

Йўл-йўлакай узумзор ва мевазор майдонларида бўлиб ўтдик. Охири кўринмай кетган боғ-роғлар ҳозир қиш уйқусида. Ўтган йили боғбону соҳибкорлар 48 гектар майдондаги узумзор ва 75 гектар майдонни қамраб олган мевазорлардан яхшигина даромад олишибди.

— Ҳозир ҳам омборхонамизда 10 тоннадан ортиқ турли хил мева маҳсулотлари сақланмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳамшаҳарларимизга тортиқ этилади, — дейди раис бизга. — Умуман ўтган йил хўжалигимиз 30 миллионга яқин соф даромад кўрди. Шундан 10 миллиони ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қолгани эса аъзоларга дивиденд қилиб тарқатилади.

Хўжалик иссиқхонасига етиб келганимизда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. 6 та иссиқхонанинг ҳар бири бир неча гектарни ташкил этади. Бу хўжаликда 110 киши ишлайди. Уларнинг ҳар бирига 11 сотихдан ер ажратиб берилган. Айни дамларда иссиқхоналарда етиштирилаётган помидорлар ҳосилга кириш арафасида. Буни кўчатларга қараб туриб, ҳосил чўғи бу йил ҳам белгиланганидан анча баланд бўлишига ишонгинг келади.

Хўжалик лимонзорларида етиштирилган ҳосилдан ҳам кўнглимиз тўлди. Очиғи бир тўп лимон кўчатидаги ҳосилни доналаб санаб, адоғига етолмадик. Ҳосили кўплигидан ҳар томонга эгилиб кетган шоҳлар тирговичлар ёрдамида қад кўтариб турибди.

Афсуски, кеч кириб қолганлиги сабабли чорвачилик фермасида бўла олмадик. Айтишларича у ерда 500 га яқин қорамол бор экан. Улардан соғиб олинадиган сутлар ҳам пешма-пеш ҳамшаҳарларимизга жўнатиб турилади.

Хуллас, хўжаликнинг шаҳар билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ерда қандай маҳсулот етиштирилса уларнинг ҳаммаси ҳамшаҳарларимиз дастурхонига тортиқ этилмоқда. Шаҳар бозорларини мўл-кўл қилишда ўзининг камтарона улушини қўшиб келаётган хўжаликнинг келгусидаги барча ишларига муваффақият тилаб раис билан хайрлашдик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Меҳнати— саодати

Оилада чароғбон, ишхонада чаққон бўлиш аёл кишидан анчагина масъулият талаб этади

Ўн беш ёшидан онасига яқин кўмакчи бўлган Захро ўзининг меҳнатсеварлиги, ширин сўзию тадбиркорлиги билан жамоада алоҳида ҳурматэътибор қозонди, меҳнатидан шон-шуҳрат топди. Ўтган йили пойтахтимиздаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси тажриба-тикув цехи бошлиғи Захро Юсупова Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

— Шу корхонада ўсдим, улғайдим. Онам Ҳожихон аянинг тарбиялари, устозларим ўгитлари менга мадад ва қанот бўлди, — дейди Захро Юсупова фахр билан. — Меҳнат қилиш билан бирга Тошкент политехника техникумининг технологлик бўлимини тугатдим. Мана бугун масъулиятли цехлардан бирига раҳбарман. Барча қатори фабрикамиз жамоаси ҳам изланишда, янги маҳсулотлар яратиш, харидорлар диди ва талабини чуқур ўрганишга интилмоқдамиз. Цехимиздаги мутахассислар томонидан тайёрланаётган жуда кўплаб эркаклар, аёллар, болалар мавсумий бош кийимлари буюртмачилар эътиборини тортмоқда. Мен нимагаки эришган бўлсам, қадрдон жамоам, касбимни ардоқлашим туфайлидир.

Оилада униб-ўсаётган 4 нафар ўғил-қиз Захро ва турмуш ўртоғининг қувончи ҳамда қанотлари.

— Байрамларимизнинг байрамларга уланишидан ғурурланаман, — дейди мукофот соҳибаси Захрохон. Юртбошимизнинг янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб эълон қилишлари ҳаётимизга янада файз-барака олиб келди. Шу юртнинг бахтли онаси, меҳнатдан саодат топган аёли сифатида янги аср тинчлик, саломатлик, фарзандларимиз камоли, мамлакатимиз равнақи йиллари бўлишини чин дилдан истайман.

Ҳа, Захро Юсупова тўлибтошиб юрт оналарининг дилларидаги истагу тилакларини баён этди. Биз эса янги асрда Ўзбекистонимизда унингдек саодатли аёллар сафи ортишини истаб қоламиз.

Дилноза ҒИЁСОВА.

ФИДОЙИ МУАЛЛИМЛАРИМИЗ

Болаларга бахшида умр

– Иқтидорли болаларнинг қобилиятларини аниқлаш, ижодкор, лекин ногирон болалар билан ишлаш ҳар бир мураббийдан машаққатли меҳнатни талаб қилади, – дейди биз билан суҳбатда биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси, Халқ таълими фидойиси, маданий - маърифий ишлар аълочиси, Болалар бадиий ижодиёти Республика маркази раҳбари Санобар Шодиева. Ушбу марказ фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

– Санобар опа, сиз раҳбарлик қилаётган Болалар бадиий ижодиёти республика марказида бугунги кунда нечта студия фаолият юритмоқда?

– Унда қанча болалар санъат сирини ўрганмоқда? Уларга кимлар дарс беради?

–Мен бу даргоҳда раҳбар бўлиб иш бошлаганимга ўн йил бўлди. Шу давр ичида марказимизда 30 дан ортиқ янги студиялар ташкил қилинди, уларда 3 мингдан ортиқ болалар санъат сирларини ўрганмоқдалар. Бу болаларнинг аксарияти махсус мактаб-интернатларда, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган, тиббиёт муассасаларида узлуксиз даволанаётган ногирон, аммо иқтидорли болалардир. Уларнинг кўпчилиги кам таъминланган оила фарзандлари. Марказимизда Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Абдумўмин Бойматов, халқ усталаридан Чўлпон Содиқов ва ёш, келажаги порлоқ рассомлардан Ҳикмат Жалилов, Шуҳрат Ғиёсовлар ҳамда болалар ижоди тарғиботчиларидан Энгель Исҳоқов каби яна бир қанча машҳур, эл севган, тан олган устозлар хизмат қиладилар.

– Болалар ўз ишларини ўзлари тарғиб қилмайдилар. Уларнинг тарғиботида қандай ишларни амалга оширмоқдасизлар?

– Ижодкор, лекин ногирон болалар билан ишлаш ҳар бир мураббийдан машаққатли меҳнатни талаб қилади. Бу болалар томонидан яратилган санъат асарлари уларнинг ҳар бири катта истеъдод эгаси эканлигидан дарак беради. Уларнинг асарларига устозлар томонидан берилаётган баҳоларни ҳеч бир тарозу билан ўлчаб бўлмайди. Бу ажойиб истеъдод эгаларининг асарлари республика, шаҳар ҳамда Халқаро миқёсдаги кўргазма-танловларда, фестивалларда, жумладан Япония, Швейцария, Америка Қўшма Штатлари, Янги Зеландия, Миср Араб Республикаси, Эквадор ва Ҳиндистонда ўтказилаётган Халқаро кўргазма - танловларда қатнашиб олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда сертификатлар билан тақдирланган. Масалан 1992 йили марказда биринчи маротаба ўтказилган «Ўзбекистон – Ҳиндистон – Эквадор» Халқаро кўргазма -танловда сурхондарёлик 11 ёшли Нурали Бобомуродов ўзининг «Она Ҳиндистон» деб номланган туркум асарлари учун республикамизда биринчилардан бўлиб Ҳиндистон ҳукуматининг энг олий мукофоти – Жавоҳарлаъл Неру стипендиясини олишга муяссар бўлди. Ҳозир у Камолиддин Беҳзод номли Тошкент Давлат миллий рассомчилик ва дизайн институтини тугаллаш арафасида.

Болаларимиз ўз ижодий асарлари билан нафақат чет мамлакатларда, балки марказнинг ўзида турли саналарга бағишлаб ўтказилаётган ранг-баранг кўргазма-танловларда ҳам голибликни қўлга киритмоқдалар.

Уларнинг асарлари ҳомийлар, турли жамғармалар томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Иқтидорли болаларнинг қобилиятларини аниқлаш, уларни авайлаб тарбиялаш ва ижодларини кенг тарғиб қилиш, мунтазам равишда энг сара асарларидан ташкил топган шахсий кўргазмалар ўтказилиб келинмоқда.

Масалан, 1997 йилдан буён марказни Ҳикмат Жалилов, Ортиқ Файзуллаев, Зокирхон Боситхоновлар раҳбарлигидаги тасвирий ва халқ амалий санъат студияларининг тарбияланувчиларидан 12 ёшли Ойбек Исломов, 13 ёшли Феруза Эркабоева, Нигора Мирсолиҳова, 9 ёшли Даша Черепанова, 11 ёшли Лайло Байкеновалар, 8 ёшли Диёра Ҳасанова, 14 ёшли Шоасил Шообидов, Абдували Латиповларнинг «Мен Ўзбекистон фарзандиман», « Мен рассомман», «Она диёрим» деб номланган шахсий кўргазмалари ўтказилган. 2000 йил 22 февралда эса Марказда болаликдан ногирон Павел Лопатко ва Темур Ашировларнинг «Ҳаёт қувончлари» номли шахсий кўргазмаси ташкил этилди. Бундай кўргазмалар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Марказда хорижий мамлакатлар билан ижодий ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган. Бунга 1993 йили Америка Қўшма Штатларининг Тошкент шаҳри билан биродарлашган Сиэтл шаҳридаги болаларнинг «Қуйловчи юрак» хор жамоаси билан бўлиб ўтган ижодий учрашув, фоторассом Рей Мьюснинг ижодий фотокўргазмаси ва Ҳиндистондаги «Шанкар» болалар академияси ташкилоти вакиллари билан ижодий ҳамкорлик учрашувини мисол сифатида айтишимиз мумкин.

– Келажак режаларингиз ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.

–Республикамизнинг барча вилоятларида, шаҳар ва туманларида марказимиз филиалларини очмоқчимиз. Бунинг учун фидойи ва болажон, катта қалб ва истеъдод эгаси бўлган устоз ва мураббийларни топиб, уларни филиалларга жалб этиш лозим бўлади.

Ўзбек болаларининг қобилиятини дунё бўйича тарғиб этиш, шу баробарида янги-янги истеъдодларни кашф этиш келажак орзуимдир.

Суҳбатдош
Зулфия МЎМИНОВА.

Шаҳримиздаги 9-мактабда олий тоифали ўқитувчилар жуда кўп. Улардан бири Ирода Боқиевадир. У узоқ йиллардан бери ўқувчиларга компьютер ва иқтисод фанидан сабоқ бериб келмоқда.
СУРАТДА: Ирода Боқиева. *Равиль Альбеков олган сурат.*

ТАЪЛИМ

Ўқув юртлари ичида биринчи

Янги йилда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмаси билан талайгина дарслик ва қўлланмалар чоп этилади. Булар орасида тўқимачилик ва енгил саноатга доир ўқув адабиётлари ҳам анчагина.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилари муаллифлигида яратилаётган китоблар сони элликтагача боради. Чоп этиш учун босмага тайёрланган дарслик ва қўлланмалар тўғрисида ноширчилик маълумотларини ўз ичига олган рисола яқинда чоп этилди.

Вазирликнинг ўқув-услубий бўлими бошлиғи Зоирҳожи Собиров томонидан тайёрланган бу китобчада кейинги беш йил мобайнида олий ўқув юрти олимлари муаллифлигида чоп этиладиган ўқув адабиётлари мазмунмундарижаси, уларнинг давлат таълим андозалари талабларига қанчалик мослиги каби қатор масалалар ўз ифодасини топди.

Бундай маълумотнома мамлакатимиз олий ўқув юртлари ичида биринчи бўлиб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида чоп этилиши билан ҳам эътиборга моликдир.

Акбар АЛИЕВ.

УДУМЛАРИМИЗ

Исириқ ва исириқдон

Исириқнинг таърифи беқиёс. Турли касалликларни даволаш билан бир қаторда маълум бўлишича, уруғидан жун ва шойидан тўқилган газламалар учун бўёқлар ҳам олинаркан.

Ҳунармандлик санъатига нафи тегишидан ташқари, уруғидан оз-оз ютиб турилса, отабуваларимиз айтганларидек, назар-нафас, ҳар хил касалликларга даво бўлган. Шунингдек, «Назар-нафас, сух-мечки исириқ. Усмон исириқ—Усмон исириқ!» деб, тутатиб, қўллари, оёқлари, юз, кўзлари, бурунларини тутиб ҳидлашган. Кўпроқ илгари ҳанчаларда тутатиш, қиш кунлари жуда урф бўлган.

Шўро замони динга қарши бўлгани учун кўп вақт исириқ фойдаси тан олинмай, ислому маслаҳатларни ерга этиб, салбий нуқтаи назардан тарғиб этиб келинган.

Ҳозирги кунда санъат музейида Хитой исириқдонлари мавжуд. Улар бронзадан ясалган бўлиб, гўзал кўринишларга эга, турли хил жониворлар тасвирлари туширилган. Афсуски, бизда шу вақтгача хитойликлар сингари махсус исириқдонлар ишлаб чиқарилмаган.

Исириқдонлар бўлмасада, исириқни ҳокандозга солиб, тутатиш ҳамон давом этиб келмоқда. Исириқнинг тутунидан кулигача, қайнатилган шарбати эса шамоллаганда, турли аллергик хасталикларда фойда экан. Масалан, яра-чақаларга кули, шарбати эса томоқ, бурун, нафас йўлларини чайишда кони шифо экан. Хитойликлар ҳам исириқдонга исириқ тутатиб, хона ва атрофмуҳитни исириқ тутунлари билан тўлдириб, ҳавони тозалашган, турли касалликларнинг олдини олишда фойдаланиб келишган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

Табиатга шайдо қалб.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Қувурдаги лайлак ини

Болгариянинг Бела-Черка шаҳридаги нон заводи зудлик билан қайта таъмирланадиган бўлди. Қурувчилар енг шимариб, ишга киришиб кетишди.

Корхона қувури ҳам, таъмир қилиниши зарурлиги ҳақида гап кетганда маъмурият лаб тишлаб қолди. Чунки қувур ичи аллақачон лайлаклар маконига айланган экан. Хўш, узоқ йиллар давомида корхона ишчиларининг энг яқин «дўстлари»га айланиб қолган лайлак уясини энди қаерга кўчириш керак?

Қурувчилар бу муаммони ҳал этишди. Улар қувур ичидаги уяни зарар етказмай олиб, уни таъмирдан холи бўлган жойга — нон ёпиш цехининг томи орасига мустаҳкамлаб қўйишди. Ота ва она лайлаклар бегона жойга кўчишни унча ёқтирмагандек ётоқларига гоҳ келиб, гоҳ келмай қўйдилар.

Кеч кузда эса қанот чиқарган болаларини олиб қаёққадир учиб кетишди. Энди шаҳарликлар оғзида лайлаклар баҳорда яна қайтиб келишармикан? Агар келишса янги инида яшашармикан ёки эски жойига қайта ин қуришармикан деган дув-дув гап юрибди.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Ота меҳрига зор қилмасин

Яхши одамлар орасида яшаш киши кўнглига доим илиқлик, меҳр бағишлайди. Аксинча бўлса-чи?

Ҳаётимни ағдар-тўнтар қилиб юборган ўша кунни эсласам юрагим эзилиб кетади... Токи, ўзи дунёга келтирган фарзандларини ҳеч қайси ота меҳрига зор қилмасин.

— Бир олам орзу-умидлар билан турмушга чиққан эдим. Уни ичмайди, чекмайди, камтар, камсуқум йигит, қўлида гулдек ҳунари бор деб тўйдан олдин роса таърифини келтиришганди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Пешонангга нима ёзилган бўлса шуни кўрарксан-да. Икки ой бўлмай «Яхши, ҳунарли йигитнинг» яна кўп ҳунари борлиги аён бўлиб қолди. Кунда, кунора ичиб келиб тўполон қилиш, бўлар-бўлмасга жанжал кўтариш одатий ҳолга айланди.

Йиллар ўтаверди, инсоф бериб қолар, фарзандларим ота меҳрисиз қолмасин дея, юрагимга тош солиб, яшайвердим. Икки ўғил ва бир қизлик бўлдик. Аммо ҳаётимиз яхши томонга ўзгармади. Пичоқ бориб суякка тақалди-ю учта боламни олиб кўзимда ёш, кўнглим тўла ғам-алам билан онамникига қайтиб келдим.

Менинг туганмас ўй-хаёлларимга, ғамгин, аламли кунларимга ёруғлик солиб турган фарзандларим эди. Айниқса худодан тилаб олган ёлғизгина қизимнинг адоқсиз саволлари-ю жовдираб турган қора кўзлари мени ҳаётда ўзимни тутиб олишимга, шу фарзандларим учун яшашим, яшаганда ҳам уларга ҳам ота, ҳам она бўлиб меҳр бериб, ҳаётда илмли, яхши инсонлар бўлиб етишишлари учун ҳаракат қилишим кераклигига ундади. Ўғилларим каттароқ, эслироқ бўлганлари, уйимизда бўлган туну кундаги уриш-жанжалларни кўрганлари учун оталарини сўрашмасди. Лекин қизалоғим «Адам қачон келадилар, ойижон, адам қачон келадилар?» деган саволларни беришдан чарчамасди.

Қани, жавоб? Тилларим қандай айлансин?

Бир куни ишдан шошиб келиб, овқатга уннадим. Кичик ўғлимнинг менга қараб-қараб қўяётганидан нимадир демоқчилигини сездим. Бир отаонадан инсонларни лол қолдириб ҳар хил табиатли фарзандлар дунёга келаркан. Менки ҳам шундай. Икки ўғил — икки хил дунё. Бири — хушчақчақ, очиқ, унча-бунча гапни ўзига олмайди, кулиб енгади. Кичиги — камгап, оғир, босиқ. Кўзларида ҳамиша ўкинчми, ғамгинликми, менинг назаримда, сизга маъюс боқиб тургандек. Бир куни «Ойи, Аброрнинг опаси турмушга чиқибди, Аброрга қийин бўлди-да», деб қолди. «Ўғлим, оналарни ҳам тушуниш керак-да, ёлғизлик ёмон» дедим. «Болалари борку, — деди ўғлим. — Барибир, бир ўзи қийналиб қолгандирда», — дедиму ўғлимга боқдим. Ишонсангиз, кўзлари тўла ёш. «Ойи, сиз ҳеч қачон бундай қилманг» деб ёлворди у. Бу кўзларни ҳеч қачон, ҳеч қачон унутолмайман. Ўғлимни маҳкам бағримга босдим...

Кўз ёшларим тонгга қадар тинмади.

Ўғлимга жавоб бера олмадим.

Йиллар ўтаверараркан. Ўғилларимнинг бўйи бўйимга тенглашди. Катта ўғлимга чақириқ қоғози келди. Шошиб қолдим, кўзларимдан ёш қуюлди. «Ойи йиғламанг, ҳеч қаёққа бориб ҳаракат ҳам қилманг, мен албатта армияга бораман», деди. Кечагина кўча чангитиб юрган болажоним, армия ёшига етибди, яна бориб келаман, шундай ўзгариб келайки, танимай қоласиз деб турибди.

Бугун ўғлимни кузатгани чиқдик, ҳамма-ҳамма... Тоғалари, ойиси, холалари ва жуда кўп дўстлари. Ўғлимга қарасам, у кўзлари билан ҳаммаёққа жовдираб-жовдираб қараб қўяётганини сезиб турибман. Мен билан хайрлашяптию «Ўғлим, ой бориб омон кел» деб ўғлини бағрига босиб турган оталарда икки кўзи. Йиғлаб юбормаслик учун менга қараб жилмаяди. Кўзи тўла ёш, лекин кулаяпти.

Ўғилгинам, кўнглингдан кечган ўйларни сезиб, билиб, ичим йиғлади, юрагингдаги армонни кўриб, шунча қилсам ҳам, атрофинг қадрдонларинг билан тўлиқ бўлса ҳам отангни бир кўришни истадинг -га, бағрига бош қўйиб хайрлашгинг келдими, ўғлим.

Сени кузатдиму тунни тонгга улаб мижжа қоқмадим...

Саиданинг армонли дил сўзларини Шоира МУҲАМЕДОВА қоғозга туширди.

САХОВАТ

Совғалар улашилди

Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан 200 нафар саховатга ташна қалб эгалари бўлмиш ногиронларнинг ҳар бирига 5 килограммдан ун, 2 килограммдан ўсимлик мойи ва шакар тортиқ этилди. Шуниси эътиборлики, ушбу саховатли тадбирнинг амалга ошишида Юнусобод тумани ҳокимлиги ва «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси вакиллари ҳиммат кўрсатишди.

* * *

Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг Миробод тумани бўлинмаси вакиллари жорий йилнинг Оналар ва болалар йили деб номланиши муносабати билан ўз ҳудудларида яшовчи жисмонан заиф 180 нафар кичкинтойларнинг ҳар бирига кийим-кечакларни тортиқ этишди. Айниқса болажонларнинг ҳар бири қандолат маҳсулотлари ва конфетлар билан сийланганлиги ёш авлодга эътибор кучли эканлигидан далолат беради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

«Оқшом»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Фуқаронинг шахсини аниқлаш ёки бошқа мақсадларда уни маъмурий йўл билан неча соат ушлаб туриш мумкин?

ЖАВОБ: Маъмурий йўл билан фуқарони милиция хонасида ушлаб туриш муддатлари маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 288-моддасида кўрсатилган. Унга кўра милицияхонада маъмурий жиҳатдан фуқарони ушлаб туриш 3 соатдан ошмаслиги керак.

Ойбек ИСОКОВ, ҳуқуқшунос.

Шарқ дурдоналари

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур...

ШИФО ДОРИСИ

Ҳурматли қиблагоҳим Маҳдум Восилий шундай ҳикоя қилган эдилар:

– Бухорода Мирараб мадрасасида таҳсил кўрар эдик. Ичимизда бир туркистонлик йигит бўлиб, хотираси ҳаддан ташқари бузилган эди. Бир куни у дарсда, ўз даврининг буюк уламоси ва замона авлиёси бўлган устозимиз Мулла Асвад Маҳдум домлага шикоят қилди. Устоз унга:

– Исириқ истеъмол қилинг, – деб буюрдилар. Сўнг мана бу ҳикояни айтиб бердилар.

– Бир куни олдимга бир кампир аёл келди ва жинлар тоифаси мен билан суҳбатлашмоқчи экани ҳақида хабар берди. «Мен улар билан қандай гаплашаман?» – деб сўрадим. Кампир: «У ёғини менга қўяверинг, сиз рози бўлсангиз бас», – деди. Жинлар билан намози асрда менинг ҳужрамда учрашмоқчи бўлдик. Белгиланган вақтда кампир кириб келиб тўшакка ўтирди ва болишга бош қўйди. Кўзлари юмуқ ҳолда жинларнинг сўзини менга етказиб турди.

Маълум бўлишича, мен дарс айтаётганимда жинларнинг фарзандлари ҳам яширинча кириб, дарс тинглашар экан. Кечқурун дарс ҳақида ота-оналарига гапиришганда оталарида ҳар хил саволлар пайдо бўлар экан. Жинлар кампирнинг оғзи орқали керакли нарсаларни сўрадилар. Тўлиқ жавоб олганларидан сўнг:

– Энди сизда савол бўлса, бизга беринг, – дейишди.

Мен саволим йўқлигини айтган эдим, улар:

– Бўлмаса, бизда сизга айтадиган бир маслаҳат бор, сиз мударриссиз, сизда хотира яхши бўлиши керак. Агар исириқ уруғини истеъмол қилсангиз, аввало хотирангиз яхши бўлади, сўнг эса соч-соқолингиз оқармайди, – дейишди. Шундан сўнг мен исириқ уруғини истеъмол қиладиган бўлдим.

Қиблагоҳим давом этиб дедилар:

– Ҳикоядан сўнг мен устозимнинг соч-соқолларига диққат қилдим, олтмишдан ошган бўлсалар ҳам, соч-соқолларида бирорта оқ йўқ эди. Хотиралари ҳам мустаҳкам эди.

Меҳримиз бор сенга, азиз исириқ,
Хислатлар ёр сенга, азиз исириқ.
Гуркираб ўсавер бахтимиз учун,
Далалар зор сенга, азиз исириқ.

Қиблагоҳимнинг ҳам хотиралари жуда мустаҳкам эканини билардим. Қиблагоҳим: «Қуввати ҳофиза, яъни хотиранинг ўткирлиги ярим давлат» дер эдилар, Бир кун улардан:

– Дада, сиз ҳам исириқ истеъмол қилганмисиз? – деб сўрадим.

– Ҳа, қилганман, – деб жавоб бердилар. – Бироқ бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Устозга айтсам: «Сизга иссиқлик қилибди, бошни оғритса, унда исириқни уч кун узум сиркасида ивитиб қўйилади, сояда қуритиб, 3-4 донадан ичиб юрилади ёки сарёғда қовуриб, истеъмол қилинади» дедилар. Мен узум сиркасида ивитиб, истеъмол қилганман.

Исириқ, бағрингда улуғ кучинг бор,
Дорию дармонга тўлуғ кучинг бор.
Барчанинг севимли маҳбубидирсан,
Иллатни ҳайдовчи қутлуғ кучинг бор.

ХОТИРАСИ БУЗИЛГАН ЙИГИТ

Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультети талабалари эдик. Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан бирида истиқомат қилардик. Наманганлик Одил деган йигит бешинчи, биз эса учинчи курсда эдик. Одилнинг ҳамхоналари унинг устидан доимо шикоят қилишарди. Айтишларича, ҳамхоналар кечқурун дарс тайёрлашга ўтирганларида, Одил ухлар, ҳамхоналар уйқуга ётганда, Одил дарс тайёрлашга ўтирар экан. Араб тили бўйича тонгга қадар дарс қилиб, сўнг бироз мизғиб олар, эрталаб уйғонса, ёдлаганлари бутунлай эсидан чиқиб кетар экан.

Ёзга келиб, давлат имтиҳонлари бошланди. Одил араб тилидан имтиҳонга қаттиқ тайёрлана бошлади. У ғам-вахимада қолган эди. Бир куни менга хотирасининг бузуқлигидан шикоят қилди. Мен унга:

– Хотиранинг дориси – исириқ уруғи, – дедим ва уни қандай истеъмол қилиш йўлларини тушунтириб бердим.

Одамни хор қилар бузуқ хотира,
Кўнгилни тор қилар бузуқ хотира.
Дўстлар таънасига мубтало қилиб,
Қайғуга ёр қилар бузуқ хотира.

У Эски шаҳарга бориб, бозордан бир даста исириқ харид қилибди. Хонага келиб, исириқ уруғини йиғиб олибди. Шериклари дарсдан келиб қарашса, хонанинг ичида исириқ уруғлари сочилиб ётган экан. Одил одатдагидек, шериклари уйқуга кетгач, ўрнидан туриб, дарс тайёрлашга шайланибди. Хотирасини яхшилаб олиш учун исириқ уруғидан бир сиқимини ичиб юборибди. Эртаси куни давлат имтиҳонига бориб, араб тилидан саволларга жавоб берай деса, ҳеч нарса эсига келмабди. «Араб тили дарслиги» («Учебник арабского языка») китобининг муаллифи, кекса домла Б. Халидов имтиҳон олаётган экан. Икки қўйиб берибди. Одил кеча-кундуз тайёрлангани ва эсида қолмаётганини айтса-да, фойдаси бўлмаган экан, ўзини тутолмай, домлага тарсаки тортиб юборибди. Домла стулдан ерга қулаб тушибди.

Мен эртаси куни Одилни кўриб қолдим. У менга таъна қилиб:

– Кечаси исириқ уруғидан ичиб, ўлиб қолишимга оз қолди, – деди у.

– Нима бўлди? – деб сўрадим.

– Бир сиқимини ичиб юбордим ва дарс тайёрлашга тушдим. Сал ўтмай, орқам қизиб кета бошлади. Орқамда печка йўқ эди-ку, деб ўйлайман, қарасам, баттар қизиб боряпман, яна орқамга қарайман, печка йўқ. Тонггача қизиб ўлишимга оз қолди, – деди у.

– Ахир, мен сизга уч-тўрт донадан истеъмол қилинади, деб айтган эдим-ку, – дедим унга.

– Мен биратўла хотирам ўсиб кетсин деб ўйлаган эдим, – деб жавоб берди.

– Ўлиб қолмаганингизга шукур қилинг, – дедим унга.

У бундан сўнг исириқ уруғини истеъмол қилиб юрдимийўқми, билмайман. Бироқ кейинги йили ўқишни битиролмай кетиб қолганини эшитдим.

Орзую армоним, исмон-исириқ,
Фойдаси хирмоним, исмон-исириқ.
Уруғу танаю тутуни бирлан
Дорию дармоним, исмон – исириқ.

МАЙИЗ

Кўпқаватли уйлардан бирида турадиган қўшни аёлни хасисликда айблашарди. Маърака–маврид қилиб қолса, ҳозирлаган овқати шу даражада бемаза бўлардики, ўтирганлар бир хўплаб қайта ичишмас эди. Ўзи бировникига борса, дастурхондаги қанд–қурс, мева–чеваларидан чўнтагига тиқар эди. Қизиғи шуки, оиласи бадавлат, болаларининг топиш–тутиши яхши эди.

Кунлардан бир куни эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Хотиним эшикни очди. Аёл овози эшитилди. Хотиним қайтиб кирганда қўлида газетага ўроғлиқ бир нарса бор эди.

– Ким? – деб сўрадим.

– Беҳзода опам, – деди хотиним.

Бу ўша хасис аёл эди. Хотиним газетани хонтахта устига қўйди. Унда майиз бор эди. Биз хотиним билан ҳайрон бўлиб бир–биримизга қарадик.

– Бу аёлнинг саховат дарёси нега жўшиб кетди экан? – дедим хотинимга.

– Сизни ҳурмат қилади, – деди хотиним фахрланиб. – Домимиздаги энг ёш ва аҳил оила деб мақтайди.

Ўроғлиқ газетанинг қоғозлари шитирлай бошлади. Эр–хотин диққатимизни майизга қаратдик. Майиз ичидан майда қуртлар ўрмалаб чиқиб, ҳар томонга тарқала бошлаган эди.

Номарднинг қалбида дарди бўлмайди,
Аҳмоқнинг ичида марди бўлмайди.
Хасису бахилнинг ҳолати аён,
Одамлар ичида қадри бўлмайди.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ.

ХОТИРА УЙҒОНСА ҒЎЗАЛДИР...

Эзгуликка бахшида ҳаёт

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ажойиб фазилатлари, бетакрор хислатлари билан кишилар қалбида яхши хотира сифатида бир умрга яшайди. Эзгуликка бағишланган ҳаёт эса боқийлашиб боради. Улкан қалб эгаларини халқимиз азим дарёга, асрлардан ҳикоя қилувчи чинорга қиёслаши бежиз эмас. Савоб ахтариб, хайрли иш қилиб яшайдиган кишилар ҳақида сўз кетса ён қўшниларимиздан Марҳамат ая Абдураҳмонованинг доно кексаларга хос бўлган майин, маъноли жилмайиб турган нуроний чеҳраси кўз олдимда гавдаланади.

Халқимизда «Бир болага етти қўни-қўшни ота-она» деган доно нақл бор. Марҳамат аяни маҳалла аҳли жаннати аёл, маҳалла болалари эса амма деб ардоқлашар эди.

Умри меҳнатда ўтган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўп тотган, олти фарзанднинг онаси, қатор невара, эвараниг меҳрибон бувиси, оқила умр йўлдоши бўлган бу оддий ўзбек аёли оққўнгиллиги, хайрли ишлари билан ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди.

Муҳтарама онахон сахийлиги, бағрикенглиги билангина эмас, кечиримлилиги, метиндек иродаси, довюраклиги билан ҳам ҳурмат қозонган эди.

Марҳамат ая ғоят болажон аёл эди. Ая ҳар қандай шўх, инжиқ, тортинчоқ боланинг қалбига тезда йўл топиб фарзандидек яхши кўрар ва уларнинг ҳам меҳрини қозонар эди. Маҳалла болаларига қўли гул аёл ясаб берган чиройли, пишиқ бўлган турлича шаклдаги варракла тезда баландга кўтарилиб, юксакликда узоқ вақт парвоз қилар эди. Болалигимда одамлар гавжум бўладиган, кулгу янграган, самимийлик ҳукм сурган шу мўътабар хонадонда кўп бўлганман. Аммамиз ясаган варракни кўз қорачиғидек икки йил асраганман, мазаси оғизда қоладиган тўйимли гўжа ошини севиб тановул қилганман.

Марҳамат ая табиатида гина сақлаш бегона эди. Камдан-кам ҳоллардагина кўнгли ранжир эди. Ўшанда ҳам «У ҳали нодон-да, ҳечқиси йўқ эси кириб қолар» деб айбдорни кечириб юборар эдилар.

Ёзда узум сўриси тагидаги темир каравотда, қаҳратон қишда иссиққина танчада ўтириб, меҳр-оқибат, одамийликни улуғлайдиган иймон-эътиқоди мустаҳкам бу инсон, қалби дарё аёл билан суҳбатлашган кишининг дили ёришарди.

Марҳамат ая соҳибкор боғбон, ажойиб, хушчақчақ инсон, дуогўй отахон Эргаш ота билан аҳил яшадилар.

Жаннати аёл, маҳалла болаларининг аммаси — Марҳамат ая оғир бетобликдан сўнг оламдан ўтганларида дафн маросимида, маъракаларида кўпроқ ёшлар иштирок этиб, жондили билан астойдил хизмат қилганлиги ҳеч кимни ажаблантирмади. Чунки шаҳримиз яқинидаги Эркин маҳалла, Эркин кўчасида истиқомат қилган маҳалла онахонининг ёшларга қолдирган меҳри уларнинг қалбида сақланган эди.

Ҳаётда ҳар бир нарсага шукр қилиб, қийинчиликлардан нолимаган, одамларга яхшилик қилиб, қаноат билан яшаган, меҳнатсевар, меъдаси тўқ, оқила ўзбек аёли — Марҳамат ая бир умр эзгуликка, нурга интилиб, ўзидан ёрқин хотира қолдирди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Замонавий мебель ва жиҳозлар хонадонимиз кўрки.

НИҲОЛ

ТУРНАЛАР НИМА ДЕЙДИ?

«Қирров», дея турналар
Қўйлаб учар бир сафда.
Ўғлим дер: — қаранг улар
Нима дейди шу топда?
— Улар баҳор элчиси
Ҳар келганда «қирров» дер,
Сўзининг кўп маъноси,
Кўчат экинг дарров, дер.
Шошилсин деб ҳар бола,
Такрор-такрор
«қирров» — дер.
Баҳор иши муддатли,
Ўтиб кетар дарров, дер.
Баҳорнинг зеб, кўркига,
Меҳнатингиз гаров, дер.
Олтинга тенг бу онлар.
Ҳушёр тортсин ялқов, дер.
Ярми ҳазил, ярми чин,
Сўзларимдан ўғлим шод.
Мақтаб турналар куйин,
Боғни қилар у обод.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ҚЎЗИЧОҚНИНГ ДЕГАНИ

Отган эдим шаталоқ,
кучукча вов, вов деди.
Томдаги дайди бароқ
пишиллаб мий-ёв деди.
Ола хўкиз мў дея,
бир ёмон қараб қўйди.
Чопдим онам олдига
эркалаб ялаб қўйди.

ҲЎЛ БЎЛМАЙ ДЕБ

ШарроС ёмғир қуярди,
эшик қолди тақиллаб.
Кутиб олди жиянин,
Қурбақаой вақиллаб.
— Қўрқмай шундай жалада
қандай келдинг болажон?
— Сузиб келдим арикда
ҳўл бўлмай деб холажон.

Ҳабиб РАҲМАТ.

ЁҒДУ

Ер юзида ястаниб,
Оппоқ қор кўкка қарар.
Ой осмон пардасидан
Мўлтираб ёғду тарар.
Сутга чайилгандай пок—
Дунё бунчалар оппоқ.

ҚҰҒИРЧОҒИМ, НИМАЛАР ИСТАЙСАН?

—Қўғирчоғим, дўмбоғим.
Айт, нималар истайсан?
Мунчоқ кўзинг милтираб,
Қандми, асал излайсан?

— Зериктирмай яратган
Қайноқ меҳринг истайман.
Алла айтиб ухлатган
Юрак сеҳринг истайман.

Қамбар ОТА.

Донолар бисотидан

- Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан ортиқроқ ғам йўқ.
- Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин.
- Ҳақиқий дўст энг буюк бойлик, айни пайтда у шундай бойликки, уни топиш учун жуда ҳам қайғуришади.
- Агар одам ўз ҳаёт йўлида янги танишлар орттирмас экан, у тезда яккаланиб қолади.
- Ҳақиқий дўстлик ҳасадни билмайди.

Шаҳримиз кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший мажмуалар фойдаланишга топширилмоқда.
СУРАТДА: шаҳримизнинг энг гавжум кўчаларидан бири тасвирланган.

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Грипп ҳақида нималарни биламиз?

Грипп касаллиги инсон саломатлигика етказадиган путури ва иқтисодиётга келтирадиган зиёни жиҳатидан юқумли касалликлар орасида биринчи ўринда туради.

Грипп қўзғатувчилари ғоят майда микроб — фильтрланувчи вируслар эканлиги исботланган. Улар шунчалик майдаки — ҳажми энг кичик микробдан ҳам деярли 1000 марта кам. Грипп вирусларининг 3 та асосий тури маълум. Улар А, В, С деб аталади. А типдаги вирус ҳар 1-2 йилда кенг тарқалади. В вируси қўзғатадиган вируслар ҳар 3-4 йилда такрорланиб туради. С вируси кам учрайди. У одатда ғўдаклар орасида касалланиш қўзғатади.

Грипп вируслари орасида энг маккори А типи ҳисобланади. У ўз хусусиятларини тез ўзгартириб туради. Натижада А1, А2 деб аталадиган янги вируслар пайдо бўлади. Янги хусусиятли вируснинг пайдо бўлиши эса гриппнинг янгидан кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Гриппдан кейин ҳосил бўладиган иммунитет 1,5 йилдан 4 йилгача сақланиб туради.

Лекин бу иммунитет ғоят специфик, яъни ушбу касаллик қўзғатган вирус турига қарши қаратилган. Айтайлик, одам А типдаги вирус қўзғатган грипп билан оғриб тузалади. Бу одамда фақат шу вирусга нисбатан иммунитет пайдо бўлади. Грипп вирусининг бошқа типи эса янги касалликни қўзғатаверади. Шу боисдан, инсон умри давомида грипп билан бир неча марта касалланиши мумкин.

Аниқланишича, грипп келиб чиқиши учун организмга озроқ миқдордаги вируснинг тушиши ҳам кифоя. Ҳар бир тирик мавжудот яшаш шароитига мослашгани каби, грипп вируслари ҳам одамнинг нафас йўллари ҳужайраларида яшаб, кўпайишга жуда мослашиб олган. Шунинг учун бир сутка ичида уларнинг сони бир неча миллиардгача кўпайиши мумкин. Натижада вируслар қонга тушади, организмни заҳарлайди ва грипп касаллиги аломатлари кучаяди.

Аҳолининг зич яшаши, турар жой ва иш жойларининг совуқлиги, жамоат фойдаланадиган жойларнинг озода бўлмаслиги ва нам ҳаво грипп тарқалишига кўмаклашувчи омиллар ҳисобланади.

Грипп билан касалланиш куз, қиш фаслларида кўп учрайди. Бунга сабаб, биринчидан, грипп вирусларининг совуққа чидамлилигидир. Иккинчидан, бу фаслларда тумов бўлиш, шамоллашнинг кўп учраб туриши. Улар организмнинг кучини камайтириб, грипп келиб чиқишини осонлаштиради ва унинг оғирроқ кечишига сабаб бўлади.

Одатда А вируси қўзғатган грипп эпидемиялари шиддатли бошланиб, қисқа вақт ичида аҳолининг кўпчилик қисми оғрийди. Бундай эпидемия 1-1,5 ойгина давом этса ҳам шу муддат ичида аҳолининг 25-30 фоизи грипп билан оғрийди. В вируси қўзғатган эпидемиялар аста-секин ривожланиб, 2,5-3 ой давом этади ва 20-25 фоизгача аҳолининг касалланишига олиб келади.

Гриппга қарши профилактик тадбирларни амалга оширишда медицина ходимларининг роли катта. Бу борада, айниқса, санитария-эпидемиология станциялари ходимларидан кўп талаб қилинади. Улар грипп эпидемияси бошланишидан илгарироқ, саноат корхоналари, йирик муассасаларда бўлиб, ишнинг санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган даражада уюштирилганини назорат қилишлари лозим. Йилнинг совуқ фаслларида иш жойлари иссиқ бўлиши туфайли вақтида шамоллатиб турилиши керак, эшик ва деразаларнинг ойналари ўз вақтида солиниб, иссиқликни муҳофаза қилиш зарурдир.

Оммавий томоша жойлари — кинотеатр, цирк ва бошқаларда грипп эпидемияси даврида томошалар орасидаги танаффусни узайтириш, бу вақтда зал ҳавосини янгилаш талаб қилинади.

Эпидемия даврида болалар муассасалари, поликлиника, касалхона ва туғруқхоналарда ҳам санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш мумкин. Бу муассасалар ходимлари 4 қаватли докадан тайёрланган ниқоб тутиб ишлашлари керак. Касаллик тарқашини чеклаш мақсадида касалхоналарда карантин ўрнатилади. Беморлар билан кўришишга вақтинча рухсат берилмайди. Шифокорлар беморларга грипп аломатлари бўлган тақдирда поликлиникага бормай уйга чақириш лозимлигини уқтиришлари керак. Буларни вақтида амалга ошириш соғлиқни сақлаш органларининг муҳим вазифаси.

Гриппнинг специфик профилактикасида вакцина қўллаш муҳим ўрин эгаллайди. Вакцина оммавий равишда октябрь-ноябрь ойларидан бошлаб ўтказилади. Дастлабки маълумотларга қараганда, у ҳозирги ишлатилаётган вакцинадан анча самаралироқ. Вакцина ҳар бир ҳудудда вируснинг касал чақирган турига қарши қисқа вақт ичида қўлланилади.

Ремантадин, интерферон, оксалин препаратларидан ва гриппга қарши гамма глобулинлардан профилактика мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Уларни фақат бемор билан мулоқотда бўлгандан сўнг дастлабки кунларда қўллаш яхши натижа беради.

Шахсий профилактика мақсадида гриппга қарши курашда организмни чиниқтириш муҳимлигини унутмаслик керак.

Хулоса қилиб айтганда, гриппга қарши тадбирлар мураккаб кўринса ҳам, уларни ўз вақтида ва тўғри ташкил қилиш мумкин. Ана шунда биз гриппнинг кенг тарқалиб кетишининг олдини олган бўламиз.

Суннат МУҲАМЕДОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ШАХМАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

«Оскар» соврини

«Оскар» — йилнинг энг яхши шахматчисига топшириладиган совриндир. «Оскар» совринини Шахмат мавзуида ёзадиган журналистлар халқаро уюшмаси АИПС беради, у АИПС нинг фахрий президенти, Испания шахмат ташкилотчиси Жард Пуч ташаббуси билан ташкил этилган.

Биринчи «Оскар» — от миниб турган киши тасвирланган кумуш ҳайкалча эди. Кейин совринда Мадрид герби — дарахт олдида орқа оёқларида турган айиқча акс эттирилди. Ҳозирги «Оскар»да Испаниядаги бошқа бир шаҳар — Барселона герби: очиқ соябон тутиб турган назокатли аёл тасвирланган.

Биринчи «Оскар»ни Б. Ларсен (1967), 1968-1969 йилда Спасский, 1970-1972 йилда Р. Фишер, 1973-1981 йилларда А. Карпов, шундан кейинги йиллар мобайнида бу соврин нуқул Каспаровга тегмоқда.

1982 йилдан буён бу соврин билан шахматчи аёллар ҳам мукофотлана бошлади.

Паришонхотирлик

Бир шахмат ишқибози ўйин билан бўлиб ярим кечагача ошнасиникида ўтириб қолибди. Тоқати тоқ бўлган мезбон ниҳоят дебди:

— Э, аттанг, дўстим, эрталаб ишга боришим керак-да...

Меҳмон ўрнидан даст турибди-да таажжубланиб:

— Мен ҳам... Буни қара-я сен меникида меҳмонсан, деб ҳижолат тортиб ўтирувдим боядан бери, — дебди.

* * *

Мусобақанинг навбатдаги тури ўйналарди. Столлардан бирида ўзининг паришонхотирлиги билан ном чиқарган биринчи разрядли шахматчи ўтирарди. У икки пиёдани ютиб олгач, ўрнидан туриб, хаёлга берилган ҳолда, залда айланиб юрди. Соати юра бошлагач у ўрнига бориб ўтирди-да, навбатдаги юриш устида ўйлай бошлади. Орадан кўп ўтмай у безовталанишга тушди: «Мен моддий устунликка эришган эдим, бироқ негадир кучлар тенглашиб қолибди», — деб хўрсиниб қўйди у. Хиёл четроқда турнир иштирокчилари унга тикилганча кулиб туришарди. Гап шундаки, хаёли паришон биринчи разрядли шахматчи шошиб қолиб бошқа тахта қаршисига келиб ўтирган экан.

Тез ёрдам

Ричард Пеннинг 1844 йили Нью-Йоркда чоп этилган «Шахматчилар учун ҳикматли сўзлар ва маслаҳатлар» деган китобида шундай тавсия берилади: «Бордию меҳмонингиз сиздан устма-уст бир неча бор мағлуб бўлган, ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоятлангудай бўлса, навбатдаги ўйинни ютқазиб беринг, шу заҳоти тузалади-қолади».

Шаҳзоданинг умиди

Франция қироли Людовик XII нинг отаси шаҳзода Карл Орлеанский (1391-1465) замонасининг жасур рицарларидан бири бўлибгина қолмай, номдор шоир ва моҳир шахматчи ҳам эди. Хотини ўлгандан кейин у поэма ёзиб, унда бошига тушган жудоликни шахмат ўйинида фарзиндан ажрашга қиёс қилган эди. Лекин поэманинг хотимаси тетик руҳда ёзилган бўлиб, автор ўқувчиларни яқин орада тахтада янги оқ фарзин пайдо бўлишига ишонтирган.

Ошиқларга маслаҳат

Гонгконгда нашр этилган «Ёшларга ёқимли қоидалар»да дастлабки учрашувга кетаётган йигитларга бир қўлида теннис ракеткаси, иккинчисида шахмат тахтасини ушлаган ҳолда бориш тавсия этилади. «Бу уларга мусобақаларда ҳам саломат, ҳам ақлли эканликлари ҳақида ёқимли таассурот уйғотишда кўмаклашади», — деб изоҳ берилган.

Серқирра спортчи

Англиянинг икки карра чемпиони Жорж Томас (1881-1972) ўз мамлакатининг энг кучли шахматчилари сафида чорак аср мобайнида ўрин эгаллаб турган бўлса-да, бадминтон бўйича янада дабдабалироқ муваффақиятларга эришган: 90 дан зиёд турнирларда, шу жумладан, тўрт бор (1920-1923 йилларда) Англия чемпионатларида биринчи совринларни қўлга киритган. Бундан ташқари Томас профессионаллар даражасида теннис ўйнаган. Чунончи, машҳур Уимблдон турнирларининг бирида у чорак финалгача етиб борган.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

«Тошкент оқшоми» газетаси ижодий жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг масъул ходими, газетанинг собиқ ходими Абдуқодир Ниёзовга рафиқаси **Озодахон НИЁЗОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БУ АЖИБ ДУНЁ

Нодир асар

Амир Темур давридаги улкан рассомлардан бири ҳисобланган Пираҳмад Боғи Шамолий Абдулҳаё замондошларининг ижодий анъаналарини давом эттирди. У Амир Темурнинг Боғи шамол саройини суратлар билан безаган. Шу сабабли ҳам мазкур жой номини ўзига тахаллус қилиб олган.

Амир Темур иродасининг ҳозир Истамбулдаги Юлдуз кутубхонасида сақланаётган турли ҳужжатлар орасида жанг манзараси тасвирланган бир расм бор. Унда Самарқанд қалъа деворини мудофаа қилаётган жангчиларга ёш йигитнинг қўмондонлик қилгани (унинг тепасида майда ҳарфлар билан «Ҳалил Султон» деб ёзилган) тасвирланган. Темурнинг набираси Ҳалил Султонни жанг майдонида тасвирловчи бу расм Шаҳзода ҳокимиятини қўлга олган давда, яъни 1405-1409 йиллар давомида Самарқандда ишланган.

1437 йилда ёзилган «Ҳаракатсиз юлдузларнинг жадвали» китобига расм ишланган. Бу расмларда юлдузлар тасвирланган бўлиб, юлдузлар туркуми умумий тарихи ҳам шу нарса тасвири билан ифода этилган. Масалан, шер туркуми — шер, аждаҳо туркуми — аждаҳо расми билан кўрсатилган.

Бу асар Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Ноёб топилма

Ниҳоят канадалик олимлар 1955 йили Саскачеван ҳудудидан археологлар топган, қотиб минералларга айланган гўнг парчасини Тиранозаврга тааллуқли эканлигини аниқлашди.

Уларнинг фикрича, бу ноёб топилма 65 миллион йил олдин яшаб келган мавжудотларнинг емишлари нимадан иборат эканлигини аниқлашга ёрдам беришига ишончлари комил. «Парчанинг» вазни ҳаммани лол қолдирди, ахир у нақ 7,1 килограмм эди-да!

Аммо, бу қадимги жониворнинг бўйи 20 метрлиги, узунлиги — 30 метр, оғирлиги бўлса 6 тоннадан ошиқлиги инобатга олинса, иштаҳасининг чакки эмаслигини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Иштаҳага қараб, пировардида қандай «ҳосил» олиниши ҳам маълум. Ҳар ҳолда синчков олимларга ковлаштириш учун «иш» топилди.

Аёлларга қулайлик

Мисрнинг Олий Конституцион суди чиқарган қарорига мувофиқ мамлакатда яшовчи аёллар бундан буён эрларининг розилигисиз ҳам чет эл паспортини олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Авваллари эрнинг розилигисиз рафиқасининг бир ўзи чет элга чиқадиган бўлса эр у ҳолда мамлакат ички ишлар вазирлигига арз қилар ва унинг аризаси қаноатлантирилар эди. Суд бу ҳолатни конституцияга зид деб баҳолади.

Одамхўр балиқлар

Денгиз ва океанларда учрайдиган улкан балиқлар орасида одамхўрлари ҳам оз эмас. Акулаларнинг одамхўрлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Ҳатто гўшти тотли лаққа балиқ ҳам одамга хужум қилар экан. Дарёда чўмилаётган болаларни лаққа балиқлар ютиб юборгани маълум.

Акулаларнинг тури кўп, улардан айримларигина, чунончи, мако, йўлбарс-акула, қора акулагина одамхўр саналади.

Одамхўр акула ниҳоятда баднафс. Қорни тўйганини билмайди. Кема кетидан эргашиб, денгизчилар сувга ташлаган овқат қолдиқлари борми, латта-путтами, шиша борми, хуллас, дуч келган нарсани жиғилдонига ураверади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2007. Босмаға топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6